
Мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратилади

“Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-52, 15.12.2021 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, **2022 йил 1 январдан:**

□ **фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга** – мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун **ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредит ажратилади;**

□ **мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга** – етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик **14 фоиз ставкада 12 ойлик “револьвер” кредит берилади.**

Мазкур тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага **2 трлн сўм** бюджет ссудаси ажратилади.

2022 йил 1 мартдан:

□ **мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига** – экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг **50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади;**

□ **мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга)** – хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг **50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан** ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўлимлари орқали компенсация қилинади.

2021-12-16 14:13:31